



БУХОРО ХОНЛИГИ ТАРИХШУНОСЛИГИ ЁРИТИЛИШИ ҲАМДА ТУРЛИ ЁНДАШУВЛАР

Жураев Боходир Турдалиевич

Денов тадбиркорлик ва педагогика
институтини ўқитувчиси

b.jurayev@dtpi.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6279366>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 10-Fevral 2022
Ma'qullandi: 15 - Fevral 2022
Chop etildi: 20 - Fevral 2022

KALIT SO'ZLAR

Тарихшунослик,
Тадқиқот, манбалар,
Бухоро хонлиги,
ижтимоий-иқтисодий
ҳаёт.

ANNOTATSIYA

Бухоро хонлиги XVI-XVIII аср ўрталарига қадар бўлган даврда тарихшунослиги масаласи ўзига хос тарихга эга. Хонлик тарихини тўлақонли ўрганишда тарихий ёзма манбалар, архив ҳужжатлари, тарихий илмий адабиётлар қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Жаҳондаги ҳам қадимий маданий марказлардан бири бўлган Бухоро шаҳри тарихи ҳар қандан тарихий тадқиқотчини ўзига жалб қилмасдан қолмайди. Мазкур шаҳар асрлар давомида кўплаб сулолалар даврида давлат пойтахти ва иқтисодий-маданий марказ сифатида эътибор қозониб келган. Бундай давлатлар қаторида Бухорхудотлар, Сомонийлар, Бухоро хонлиги (Шайбонийлар, Аштархонийлар), Бухоро амирлиги ва БХСРларни таъкидлаб ўтиш мумкин.

Россия томонидан Марказий Осиёнинг катта қисмини бўйсундирилиши XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Бухоро тарихи бўйича ҳам, хусусан, Россия – Бухоро ўртасидаги савдо-иқтисодий

муносабатларга оид нашрларнинг кўпайишига олиб келди.

Россия-Шарқий савдо муаммоларига бевосита бағишланган энг муҳим ишлар қаторида мустамлака даври рус тадқиқотчиларининг (асосан, Ўрта Осиёга юборилган саёҳатчилар, ҳарбий амалдорлар ва олимлар) маърузалари, хотиралари, статистик маълумотлари, илмий тадқиқотларини таъкидлаш керак. Жумладан: Ф.И. Лобысевич, Д.Н. Логофет, А.И. Глуховской, А.Д. Гребенкин, П.,Л. Гроссул-Толстой, М.В. Грулев, Ф.Ф. Мартенс, В. Долинский, А.Ф. Костенко, А.Е. Снесарева, Л.Н. Соболев, Н. Стремоухов ва бошқалар. Уларнинг асарларида Бухоро амирлигининг географик жойлашуви, ички сиёсий курашнинг моҳияти, маъмурий давлати,



ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, аҳоли таркибининг айрим масалалари очиб берилган.

Бухоро хонлиги таркибидаги айрим ҳудудлари (вилоятлари) этнографиясига оид, хусусан, уларнинг сиёсий, ижтимоий, ҳарбий ҳолатига доир маълумотлар рус муаллифларидан М.Н. Галкин, Н. Каразин, А. Шеманский, В.В. Радлов, А.Л. Кун, Г.Арандаренко, В.И. Липский, Н.А. Маев, Б. Литвиновлар асарларида тадқиқ этилган. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу тадқиқотларда келтирилган маълумотлари ҳанузгача тарихшунослик нуқтаи назаридан етарлича таҳлил этилмаган. Шундай бўлса-да, мазкур адабиётлар Бухоро хонлиги ички сиёсатини очиб беришда ниҳоятда қимматли саналади.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турфа жараёнлари, бозорлар фаолияти, хунармандчилик аҳволи, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш, ирригация масалалари, хўжалик муносабатлари, транспорт-коммуникация тизими ва уларнинг аҳамияти М.Ф. Гаврилов, Н. Каразин, Н.И. Костомаров, В.В. Крестовский, А.Л. Кун, В. И. Липский, В. Ошанин, Н.Ф. Петровский, А.П. Хорошхинларнинг ишларида ўз аксини топган.

С.В. Жуковский, А.Вамбери, Н.Г. Залесов, Н.П. Игнатъев, П.П. Мельгунов, М. Михайлов, Н. Пантусов, Н.И. Веселовский, А. Семенов ва бошқа кўплаб тадқиқотчиларнинг ишларида Бухоронинг қўшни ва Россия билан

ташқи алоқалари тарихи баёни кенг ёритилганлигини таъкидлаш лозим.

XIX асрнинг энг йирик ҳамда таниқли олимлари, тарихчи-шарқшунослар томонидан Ўрта осие ва Россия муносабатлари тарихи масаласига катта ҳисса қўшдилар. Ушбу илмий изланишлар орасида, аввало, Бухоро амирлигининг В.В. Григорьевнинг¹ тадқиқотлари алоҳида ўрин тутди.

Ушбу гуруҳга XIX иккинчи ярмидан – XX аср бошларида нашр қилинган адабиётларни киритиш мумкин. Бу даврда рус тарихчилари, саёҳатчилари, географлари томонидан Ўрта Осиедаги хонликлар, жумладан, Бухоро хонлиги (амирлиги) тарихига ҳам оид бир қатор китоблар нашр қилинган. Булар жумласига М.А.Терентьев, Д.Н.Логофет, Н.А.Маев, М.А.Варыгин, Н.Ханьков, Р.Ю.Рожевиц, Н.Покотило, В.В.Радлов², В.И.Липский ва бошқаларни мисол келтириш мумкин. Бу давр адабиётлари, асосан, Ўрта Осие хонликларининг Россия империяси босқинига қадар ҳамда ундан кейинги даврга хос бўлиб, хонликларнинг ижтимоий, ҳарбий, географик ва этнографик ҳолатига урғу берилган.

XIX – XX аср бошларида Бухоро хонлигининг тарихининг турли аспектларида таниқли бўлган Н.П. Остроумов, Н.И. Веселовский, А.А. Семенов, В.В. Бартольд каби тарихчи-шарқшунослар томонидан тадқиқ этилиб, илмий асарлар ёзилди.

¹ Григорьев В.В. Русская политика в отношении Средней Азии // Сб. государственных знаний. - СПб.: 1874. - Т. 1; Ўша муаллиф: Среднеазиатские дела. - М.: 1865 и др.

² Радлов В.В. Средняя Зерафшанская долина. Записки РГО по отделению этнография. Т. IV, 1880;



Адабиётлар қаторига Бухоро хонлигининг тарихи хусусидаги совет даврида олиб борилган илмий изланишлар натижасида юзага келган асарларни киритиш мумкин. XX асрнинг 20 йилларидан бошлаб ушбу мавзуга оид адабиётларда асосий эътибор ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, маҳаллий аҳоли хўжалик фаолиятининг турли соҳалари, ер эгалиги шакли, қишлоқ хўжалигининг аҳволи, хунармандчилик ва савдо-сотиқ муаммоларига қаратганлар. Бундай тадқиқотчилар сирасига И.А. Ремез, В.Л. Вяткин и Л.А. Зиминларни киритиш мумкин. Кейинги даврларда эса манбаларга таянган ҳолда Бухоро хонлиги тарихининг ер-сув муносабатлари, иқтисодий ҳаёти масалаларини А.Х. Хамраев, О.Д. Чехович, М.А. Абдураимов, А. Маджлисовлар томонидан ўрганилганлигини таъкидлашимиз мумкин.

Т.Г. Тухтаметов, А.Р. Мухамеджанов, Н.А. Халфин, Н.А. Кисляков, К.Ш. Шаниязов, И.К. Хидоятлов, Б.Х. Кармышева, Г.Ю. Астанова, К.З. Хакимова, А. Файзиев, О. Бокиевларнинг ишларида Бухоро амирлигининг ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг турли жиҳатлари очиб берилган.

Бухоронинг қўшни мамлакатлар ҳамда Россия-Бухоро ўртасидаги дипломатик ва савдо-сотиқ муносабатлар тарихига доир кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Ушбу масалалар юзасидан Е.В. Бунаков, П.О. Голубков, Е.Л. Штейнберг, В.С. Батраков, Д.В. Валиев, В.И. Ефимов ва б.³нинг тадқиқотлари амалга оширилди. Бухоронинг сиёсий, иқтисодий, маданий ривожининг умумий жиҳатлари П.П. Иванов, А.Б. Вильданов, Б.А. Ахмедов, А. Мухтаров, Х.Г. Гулямов каби олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилди. Ўрганилаётган даврда Бухоро хонлигининг маданий ҳаётининг меъморчилик, таълим ва адабиётига доир изланишлар М.Е. Массон, В.А. Шишкин, Г.А. Пугаченкова, Л.И. Ремпель, Е.М. Пещерева, О.А. Сухарева ва б. ёритилди.

XX асрнинг 50-60 йилларида Т.Г.Тўхтаметов қатор тадқиқотлар яратиб, уларда амирликнинг XIX аср охири XX аср бошларидаги иқтисодий ҳолати, Россия билан Бухоро ўртасидаги муносабатлар, Россиянинг Бухоро амирлигида ташкил этилган Сиёсий Агентлиги фаолияти, Бухородаги рус фуқаролари ва уларнинг фаолияти, Чор Россияси томонидан амирлик ҳудудида темир йўллар қурилиши ва рус

³ Бунаков Е.В. К истории сношений России с среднеазиатскими ханствами в XIX в. // Советское востоковедение. – 1941, №2. – С. 5-26; Голубков П. О торговом пути в Среднюю Азию и Индию через Россию предлагаемом. М.: 1948. – 15 с.; Штейнберг Е.Л. История британской агрессии на Среднем Востоке. Глава IV. — М.: Воениздат, 1951. – 212 с. // http://militera.lib.ru/h/shtaynberg_el/04.html (дата обращения: 11.08.2013); Батраков В.С. К истории торговых связей Казахстана с Россией в XVIII-XIX вв. // Труды Среднеазиатского университета. Вып.78.;

Исторические науки, Кн.2. – М.: 1956. – С.3-39; Валиева Д.В. Среднеазиатско-российские отношения в первой половине XIX в. Взаимоотношения народов Средней Азии и сопредельных стран Востока в XVIII - начале XX в. – Ташкент: 1963. – С. 42-76; Ефимов В.И. К вопросу о взаимоотношениях России с Бухарой с конца XVIII до середины XIX в. // Труды Самарканд. Госунивер. им. А Навои. Материалы по истории Узбекистана. Нов. сер. Вып. 140. – Самарканд: 1964. – С. 23-42.



капиталининг Бухоро амирлигига кириб келиши масалаларини ёритишга ҳаракат қилган.⁴

Ушбу масалалар ўша давр, яъни совет даври мафкураси нуқтаи-назаридан ёритилган бўлиб, унда жамланган маълумотлар қайта кўриб чиқилиб янгича дунёқараш, тарихийлик ҳамда ҳолисийлик нуқтаи-назаридан баҳоланиши лозим.

Бухоро тарихи бўйича йирик тадқиқотчи О.А.Сухареванинг⁵ бир қатор монографиялари ушбу давр Бухоро хонлиги ижтимоий ҳаёти, хусусан, шаҳарлари, аҳолиси ва ҳунармандчилик саноати тарихини ёритишга хизмат қилди.

Хулоса сифатида Бир ярим асрдан ортиқроқ вақт давомида ушбу давр

тарихшунослигига оид анънавий концепциялар, фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлса-да, Бухоро хонлигини ташкил топишидан то манғитлар ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар бўлган тарихшунослигини яхлит очиб берувчи тадқиқот ҳанузгача яратилмаганини таъкидлаш лозим. Шунинг учун ҳам ушбу давр тарихини таҳлил қилиш тарихшуослигимиздаги долзарб масалаларда биридир.

⁴ Тухтаматов Т.Г. Русско-Бухарские отношение в конце XIX начале XX в. Ташкент: 1966.

⁵ Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. (Историко-этнографические очерк) – Ташкент: 1957.; Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара конца XIX

начала XX в. Ремесленная промышленность. – Ташкент: 1962.; Ўша муаллиф: Бухара XIX-начало XX вв. (Позднефеодальный город и его население). – Ташкент: 1966.; Ўша муаллиф: Квартальная община Бухары. Ташкент: 1973.